




Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 6 ноябрь, № 215 (5130) Шанба

ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида нафақат ички бозор сифатли маҳсулотлар билан таъминланаётган, балки уларнинг экспорт салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. Бунда хориж инвестицияси ҳисобида кўпга янги корхоналарнинг ишга туширилатгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ислоҳот

Урганч шаҳридаги "Megasfera" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, ўтган йилнинг бошида бу ерга 310 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиб, ушбу маблаг эвазига Италиянинг "Griggio" ва "Orma" компанияларидан 6 та, Германиянинг "Weeke" фирмасидан маҳсулотга ишлов берувчи замонавий 3 та дастгоҳ келтирилиб ўрнатилди. Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг ривожланишида муҳим омил бўлди. Қирқ нафар маҳаллий ишчи-муҳассис меҳнат қилаётган жамоа маҳсулотларига бугун Хоразмдан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам эҳтиёж сезилаётгани шундан далolat беради.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган мебеллар харидорларга жойларда ташкил қилинган 5 та "Савдо уйи" орқали мунтазам етказиб берилмоқда. Мазкур савдо шохобчаларига ташриф буюрган ҳар бир киши уй ва идораларга мўлжалланган мебелларни танлаб харид қилиш имконига эга.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: оператор Одилбек Собиров ва ишчи Сардор Эшжонов.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Қисқа сатрларда

● ОЛТИНҚҮЛ туманида тадбиркор Ҳамдамжон Фузайлиддинов томонидан болалар пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона ташкил қилинди. Айни пайтда 20 киши меҳнат қилаётган корхонада 4 турдаги оёқ кийимлари тайёрланмоқда.

● ГАЛЛАОРОЛ туманидаги 4-умумтаълим мактабида замонавий спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 131 миллион сўмлик маблағи эвазига бунёд этилган ушбу масканда ёшларнинг бир қатор спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

● КИТОБ туманидаги "Уринов Бекмаҳмат" корхонасида хориж технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан бундан чирчиш йўлга қўйилди. 7 киши меҳнат қилаётган корхонада йилга икки минг тоннагача ана шундай маҳсулот тайёрлаш мумкин.

● ТАХТАКҮПІР туманида 93,4 километр тасофадаги замонавий ташкилот натижасида ҳудуддаги 2811 гектарлик экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ушбу мақсадлар учун 491 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

● СИРДАРЁ вилоятида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида хорижий инвестиция иштирокидаги 10 та корхона иш бошлади. Айни пайтда бундай корхоналар сон 41 тага етди ва улар томонидан ўтган давр мобайнида 8,4 миллион АҚШ долларлик экспорт амалиётлари бажарилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзаро дўст ва биродар икки халқни миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва диннинг умумийлиги янада яқинлаштириб туради. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, айтиш жоизки, истиқлол йилларида юқори босқичга кўтарилди. Бунда давлатлар раҳбарларининг учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг сентябрь ойида Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф давомида Президентлар томонидан икки тарафлама муносабатларни кенгайтириш, турли соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга қаратилган кўпба ҳужжатлар, хусусан, 2011 — 2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда бар-

ник кимёвий бирикмалар, кўнчилик ва буюқчилик экстрактларини олади. Биргина 2010 йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатлар ўртасида ўзаро товар айланмаси 23 фоизга ўсди, шу жумладан, экспорт ҳажми 2,2 бараварга кўпайди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткичлар ҳали имконият даражасида эмас. Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, иқтисодий муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишда миллий кўргазмаларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, кеча Тошкент шаҳрида очилган Озарбойжон Республикасининг Миллий кўргазмасини томонлар ишбилармон доиралари ўзгача қўвонч билан қарши олишди.

Мазкур тадбир Президентлар келишувига асосан, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Озарбойжон Республикаси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳамда "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма компанияси очик акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Биз Ўзбекистонни ишончли иқтисодий шерик сифатида яхши биламиз, — дейди "Azersun Holding" компанияси раҳбари Абдолбори Гузал. — Кўп йиллардан буён юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбекистон замининда этиштирилган ноз-неъматларни харид қилмас, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари етказиб берамиз. Ташкил этилган кўргазма бу борадаги алоқаларни кенгайтириш, янги ҳамкорлар топишга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Тошкентда «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш масалалари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўлаб-қуватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (Германия) томонидан ташкил этилди.

Форумда Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Россия, Словения, АҚШ, Украинадан экспертлар, ЕОХТнинг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ), Тошкентда фаолият кўрсатаятган бошқа халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот

вақорот-коммуникация ва инновация технологиялари масс-медиясидан фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари учун ижодий ва техник кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш борасида ҳам тажриба алмашди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари тизими ва уни шакллантиришда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида кенг қўллаш имконияти таъминлаш, журналистларни амалга ошириш жараёнида транспарентлик ва ошкораликни таъминлашда муҳим ўрин тутганини таъкидладилар. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солишдан ва халқаро нормаларга жавоб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш қарорлари ва эркинлиги тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги ва демократия шариоитида оммавий ахборот воситаларини эркин ҳамда мустақил ривожлантиришга оид қатор бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Анжуман

Конференцияни ўтказишдан мақсад фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини муҳокама этиш, уларнинг фаолиятида ҳуқуқий ва ташкилий базани ривожлантириш борасида тажриба алмашиш, демократик ислохотларни амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг жамоат назорати вазифасини самарали бажаришини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, мунозаралар чоғида тадбир иштирокчилари замонавий

(Давоми 2-бетда).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшитириш соҳасида радиочастота спектрини самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшитириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибга лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Хоразм вилоятида битта теле ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида битта радиочастота бўйича келган буюртманомалар кўриб чиқилди ва фолиблар аниқланди.

Шунингдек, комиссия томонидан теледустурларни тарқатиш ва худудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланидиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Комиссия томонидан нодавлат радиозитириш ва телекўрсатув дастурлари мазмунини бойитиш, эфирга узатиш сифатини янада юксалтириш, уларнинг маънавий қадриятларимизга мослигини таъминлаш устувор вазифа эканлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ў.А.)

Намунавий лойиҳадаги шинам уйлар

2010 йилнинг тўққиз ойида республикамиз қишлоқ тураржой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича

3597 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги тўғрисида шундай ижобий натижага эришилди.

(Ў.А.)

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш бўйича ўз вази...

матбуотнинг фаоллиги ошмоқда. Экспертлар буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ислохотлар изчи...

талаб кучайишига ижобий таъсир кўрсатади. Миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати...

Маълумки, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида таълим-тарбия ишларини ташкил этишнинг аҳамияти катта.

Кўкон шаҳрида ҳам мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, худудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш мақсадларига турли манбалар ҳисобидан 19 милли...

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

келажак эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг пировард мақсадидир

Шу билан бирга, Кўконда ёш авлод вақиларининг таълимдан ташуқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг турли жиной...

ми бўлими тасарруфига 40 дан зиёд умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 2 минг 100 нафардан ортиқ оқори малакали ўқитувчилар ёшларга таъ...

Кенгаши савий-харакати кўнча ва навроҳон Ҳўқанди сўлим ва оромбахш гўшага айлантириш, янги ва кўркам бинолар, кенг ва раван йўллар, хушманзара бог ҳамда хиёбонлар барпо этиш, модернизация қилинган корхона, ташкилотларда очилган янги иш ўринларига минглаб ёш мутахассисларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган. Чунончи, "Ёшлар маркази" барпо қилиш, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва спорт маҳоратларини оширишлари учун ўрдаолди майдонини кенгайтириш кўзда тутилган. Бу ерда "Боулинг", 3 та теннис корти, шахмат-шашка клуби, 2 та кафе ва 2 та замонавий фаввора бунёд этилди.

Маҳаллий Кенгашларда

ўқитувчи-мураббийлар билан ва маълумоти билан талаблари асосида зулуқсиз ошириб бориш бўйича баҳарилаётган ишларни ҳам мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Буларнинг барчаси, пировардда шахримиз ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш, уларнинг эл-юрт қорига ярайдишларига билан банд бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, яқинда кўчга кирган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг асосий талабларидан бири ҳамдир.

Шўҳрат СОБИРОВ, Кўкон шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси.

Чанг БИЎН, эксперт (Хитой): "Ўзбекистонда бунақад оммавий ахборот воситалари жамият ва давлатнинг ривожланишига муайян ҳисса қўшмоқда. Сўнгги пайтда янги электрон оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлаётгани ахборот соҳаси ғоят жадал ривожланиётганидан далолатдир. Фуқароларнинг ишончилигини қўрқотган эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш — бу оммавий ахборот воситаларининг бурчи, демократик ҳукуматнинг принциpidир. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари бундай ахборотни етказиб беришда платформа вазифини ўтамоқда ва ҳукумат ҳамда жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлик қилишида муҳим роль ўйнамоқда."

Дхар Мохар КРИШЕН, (Полиитикал ивентс) журнали шарҳловчиси (Хиндистон): "Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар давомида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида парламентаризмни ривожлантириш, кўп партияли тизимни яратиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу серқирра жараёнда жамият онгида демократия принципларининг қарор топишида муҳим роль ўйнайдиган миллий масс-медиялар алоҳида ўринга эга. Мен Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ривожланишини диққат билан кузатиб келаман. Мамлакатнинг мустақилликка эришишга, ушбу соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, миллий медиамақолада кўпгаб хусусий газеталар, журналлар, теле ва радиоканаллар пайдо бўлиди, интернетдан фойдаланувчилар сонин жадал кўпайиб бормоқда. Натихада эркин фикр билдириш ҳуқуқини амалга ошириш, фикрлар йилма-йиллиги, мавзу ва воқеаларни ёритишга турлича ёндашиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ўз босма нашрига эга бўлиши уларнинг сиёсий фаолияти самардорлиги ва оммавийлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳолбуки, дунёнинг асаринг давлатларида сиёсий партиялар бундай имкониятга эга эмас."

Виктор ЯКОВИЧ, «Якович интернет-шлюккомпани президенти (АҚШ): "Ўзбекистон Марказий Осиёда, шу жумладан, минтақавий ахборот маконидидаги етакчи мамлакат ҳисобланади. Мамлакатнинг ривожланиши бўйича миллий аъналар, ўзига хос хусусиятлар ва миллий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш борасида ортирган катта таърибдан бошқа мамлакатлар ҳам фойдаланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бугун газета, радио, телевидение каби аънаваний оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, давлат ҳамда фуқаролар учун катта имконият яратган ахборот алмашиш ва уни етказиб беришнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлмоқда. Масалан, оммавий ахборот воситаларининг ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлигини жадал ривожланиб бораётган жараён, дейиш мумкин. Демократик мулоқот орқали муросага келиш ва ўзаро англашишга эришиш мумкин."

Светлана ЛИСОВА, Иваново давлат энергетика университети доценти (Россия): "Мамлакатингизда оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини харакаат келтирувчи ижтимоий омил ҳисобланади."

қурлашиб бораётган демократлаштириш, кўчли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни доирасида ушбу соҳа янада эркинлаштирилаётганини таъкидлаб бу дунёнинг

кўпгаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таркибида 20 дан ортиқ корхонани бирлаштирган маълум компания мамлакат аҳолисини асосий озик-овқат, кишлоқ ҳўжалиги, кадоқлаш ва қорғоз махсулотлари билан таъминлайди. Қайта ишлаш корхоналарида ISO сифат сертификати қўлга киритилгани туфайли бу ерда ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой, чой, шаклар ва консерва махсулотларига ташқи бозорда

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

ҳам талаб ортиб борапти. Айни пайтда улар Грузия, Украина, АҚШ, Қозғистон, Россия, Молдова, Белаорусь, Эрон, Ироқ каби дунёнинг кўпгаб мамлакатларига экспортга чиқарилаётгани шундан далолат беради.

Кўрғазмага Озарбойжоннинг 170 дан ортиқ компания ва фирмаларининг 1700 турдаги махсулотлари кўйилган. Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг саноат, транспорт, кишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари, сайёҳлик, халқ амали

санъати, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт ва бошқа йўналишлари қамраб олинган. Бу ерга келганлар нафақат Озарбойжон иқтисодиёти салоҳияти билан яқиндан танишиш, балки манфаатли ҳамкорлик қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи ҳам диққат марказимизда турибди.

ИНВЕСТИЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Муроджон Ваисов. — Масалан, биз, аввало, сифат билан бирга, махсулот тананрини арзонлаштиришга эътибор қаратаёلمиз. Сарф-харажатларни имкон қадар тежашга харақат қилаёلمиз. Қолаверса, ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи ҳам диққат марказимизда турибди.

Дарҳақиқат, қаерда шароит ва имконият етарли бўлса, уша ерда ривожланиш бўлиши аниқ. Қўшма корхона жамоаси яқинда янги махсулот — юмшоқ мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани бунинг тасдиғидир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватан туйғуси қалбида жўш урган инсон нималарга қодир эканлигини билмоқчи бўлсангиз, Эллиққалъадаги ўзгаришларни бориб кўринг. Ана шу истак иштиёқиди ушбу замин овул ва гўшаларини айланб чиқдик.

Туман марказида "Очик осмон остидаги музей" номи билан қадимий қалъалар ва қўрғонларнинг мўъжаз макети бир жойга жамланган. Аёққалъа, Тўпроққалъа, Эллиққалъа, Яқка парсан, кичик Қирқизқалъа, катта Қирқизқалъа, катта Гулдурсинқалъа каби истехком ва иншоотларнинг кўринишлари шу ерлик фидойилар томонидан ишланган. Ҳар бир қалъа ва қўрғоннинг ёши кўрсатилган: улар 1300 — 2500 йиллик тарихга гувоҳ. Аввалги сайёҳлар учун қулайлик яратилибди-да, юзлаб километр йўл босди, қадамжоларга бормасдан шу ерни кўриш кифоя бўлса керак, деган фикр ҳаёлимиздан ўтди. "Йуқ, булар инсонда қизиқиш уйғотида, макетини томоша қилган, аслини ҳам ўз кўзи билан кўриш иштиёқини уйғотида", деб изох беришди. Ўз бағрида асарий тарихини асраб келаётган бу манзиллар ҳар бир эллиққалъалик қалбига улкан гуруру туйғусини ато этади.

Кейинги икки-ўч йилда туманда энг кўп қурилган иморат — бу мактаблар бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудиде бунёд

лат ва халқ ишончини оқланганди, деб насихат қилишяпти. Фақат мактаблар эмас, туманининг турли жойларига кўрк бўлиб тушган лицей ва коллеж иморатлари эллиққалъаликларнинг фариғи айланган. Туман марказидаги "Устозга эҳтиром" монументи муаллим қадри қандай эъзозланганлигини ёрқин ифодалаб турибди.

— Шундай десангиз ҳам бўлади, — маънодор қараш қилди Мамашироф ога. — Бу ишларимиз ҳақида ёздагидан бўлсангиз, модернизациялаш мавзусига боғланганингиз маъқул. Энг муҳими, эски ускуна ва мосламалар билан узоққа бориб бўлмаслигини одамларимиз тўшуниб олишган. Мукаммал, серунум механизмлар ҳам харажати тежайди, ҳам да

"Мафтуна" каби тантанали маросимлар ўтказилганидан жаммулар йил сайин кўпаймоқда. Демак, шундай гўзал қошоналарда тўнтананлар ўтказиш эҳтиёжи торабора ошиб бораёпти: халқнинг ҳаёти фаровонлашмоқда. Бизга айтишларича, бундай фойдзлий масканларда нафақат оилавий тўйлар, балки касб байрамлари, меҳнат жамоаларидаги муваффақиятларни нишонлаш, қувончли маросимлар ўтказилмоқда. Тантана ва байрамлар шундай элга жуда-жуда ярашади.

Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғи бор. Худди шундай боғ мустақиллигимизнинг илк йилларида Эллиққалъа маркази — Бўстон қўрғониде ҳам ташкил этилди. Бу ерда дунёнинг турли минтақаларидан олиб келинган 330 дан ортиқ ўсимлик тури ўстирилмоқда. Дарахт ва буталар ичиде каштан, эман, Қрим соснаси, метво-секвая, Канада бағрянниги, занранг дарахтлари, тропик ва субтропик ўсимликлар, шунингдек, доривор ва бўёқ берувчи ўсимликлар маҳаллий шароитга мослаштирилмоқда. Худди мана шу боғ фаолияти тўфайли ушбу минтақада янги худудлар қўлами йил сайин кенгайиб бораёпти.

Яхши хабар

Қишлоқда қўшма корхона

Миришкор туманидаги Янги Миришкор қишлоғиде атирсовун ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган "Big ayon sabun" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси иш бошлади.

Масъулияти чекланган жамияти шаклида фаолият юритаётган ушбу корхонага 300 минг АҚШ долларлик инвестиция киритилди.

Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган жамиятда 17 турдаги махсулот тайёрланмоқда.

А. МУХАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛЛИҚҚАЛЪА ЖОЗИБАСИ

Эллиққалъада маънавиятга эътибор алоҳида эканлиги бутун минтақада эътироф этилади.

дир, ўрни келганда, ҳар қандай суҳбатдош билан бахslashишга қодир. Беш минг бош парранда саноатлашган усудда парвардиш қилинаёпти. Жўжалар Самарқанд вилоятида "Оқалик" паррандачилик корхонасидан келтирилди.

— Тувқулари эски усудда боқичи эсласак, гоҳ қўлимиз, гоҳ ачинамиз. Ҳозирги технология бамисоли соат каби аниқ иш юритишни талаб қилади. Жони-ворларни озиклантириш, сувлаш — ҳамма юмушлар механизация зиммасига оқитилган. Вентиляция мосламаси мўътадил шароитни таъминлаб туради. Ишонсангиз, паррандалар ҳам англланган маҳанг мослашиб қолган. Ана қуранг, тухумлар ҳам бутун линия бўйлаб сафлангандай турибди.

Ислохот

— Демак, ислохотлар изчил давом этаётган экан-да? — сўз котдик фермерга.

либди. Фермернинг сўзларига қулқ тутамиз:

Бў орабале юрарканмиз, шууримизни аллақандай хотиржамлик, осойишталикка хос кайфият эгаллади. Бир вақтлар бу жойлар кўрик ерлардан иборат бўлган. Бу ерда ишланганлар чўлқувар деб аталган. Энди эса дов-дарахтлар, гул-гиёҳлар баравж ўсаётган заминдан атрофга ашиллиқ, демакки, барҳаётлик таралмоқда. Ям-яшил ўсимликларнинг ер қаьрига томир отиши аҳолининг шу заминга меҳри мустаҳкамланишини ифодалагандай.

Шўҳрат ЖАББОРОВ.

24 соат ичида

Индонезиянинг Ява оролида ҳаракатга келган Мерапи вулкони талафотлари тобора ортиб бормоқда.

Вулкон келтираётган талафот

Табий офат пайшанбадан жумага ўтар кечаси анча фолашган. Оқибатда бир кеча-кундузда 44 кишининг умрига зомин бўлган. Шу тарихда вулкон ҳаракати бошланган 26 октябрь кундан бери ҳаётдан қўз юмганлар сони 92 нафарга етган. Минг-минглаб одамлар эса тураржойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Йўловчи самолёти ҳалокати

Покистонда унчалик катта бўлмаган йўловчи самолёти ҳалокатга учради.

Бу ҳақда "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакатнинг Карачи шаҳрида содир бўлган қўриқилмаслик оқибатида самолёт бортида бўлган 20 нафар йўловчи ва икки нафар учувчи ҳаётдан қўз юмган. Лайнер техник носозлик туфайли ҳалокатга йўлиққан. Яъни парвоз чоғида унинг бир двигатели ишламай қолган.

Лойиҳа норозиликка сабаб бўлди

Буёқ Британиянинг "BBC" корпорациясини тўрт мингдан ортиқ ходими 48 соатлик иш ташлаш уюштирди.

Муассаса ходимлари раҳбариятнинг нафақага устама белгилаш тартибига ўзгартириш киритиш режасидан норози бўлиб, шундай қилишга жазм этишган. Янги лойиҳага кўра, 2011 йилдан бошлаб пенсия устамасини етти фоиздан олти фоизга қисқартириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, маъмурият умумий меҳнат фаолияти давомида олинган иш ҳақининг ўртача ҳисобидан келиб чиқиб, пенсия пули белгилашни жорий этишни режалаштирган.

Ишлаб чиқариш тўхтатилди

"Sony" корпорацияси томонидан тайёрланган ва анча шўхрат қозongan "Walkman" плеерларини ишлаб чиқариш тўхтатилди.

Мазкур мусика қурилмаларининг биринчи авлоди 1979 йил 1 июлда савдога чиқарилган. Ўтган ўттиз йил мобайнида бутун дунё бўйлаб улардан 220 миллион дондан кўпроги сотилди. Айниқса, 1980 йилларда ушбу плеер ёшлар ўртасида жуда кенг оммалашган эди.

Изоҳлашчи, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб "Walkman"лар ўрнини CD-плеерлари эгаллай бошлаган. Айни пайтда турли рақамли мусика эшитиш ва ёзиш қурилмалари кўпайиб бормоқда. Бу эса кассадеги мусика қурилмаларига бўлган эҳтиёжни камайтираётган.

Туман пайтидаги кўнглисизлик

Хитойнинг Цзянси музофотида йирик йўл транспорти ҳудудаси содир бўлди.

Бу ерда бир вақтнинг ўзига 41 машина бири-бирига тўқнашиб кетган. Уларнинг аксарияти юк ташува иختисослаштирилган автобуслар ва битта автобус бўлган. Оқибатда 120 киши турли даражада тан жароҳати олган. Жабрланганлардан саккиз нафарнинг аҳоли оғирлиги айтилмақда. Фалокатга ўша пайтда кузатилган кучли туман сабаб бўлган.

Хоризк матбуоти хабарларини асосида тайёрланди.

TURKISTON BANK

Ўзбекистон дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини муваффақиятли енгиб ўтган санокли давлатлар сирасига қиради. Кўзга қўринган экспертлар, иқтисодчилар кўп бор эътироф этаётганидек, бундай ижобий натижаларга эришишда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ва шу асосда 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури муҳим аҳамият касб этаётган.

Дарҳақиқат, Дастурда аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуқсиз ишлашини тазминлаш, иқтисодийнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрель ойида пойтахтимизда ташкил этилган "Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўлаган табригадиги қуйидаги фикрлар орқали ҳам бу борада янада яққолроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин: "Биз иқтисодий тизимини, молия ва банк тизимини ортиқча ликвидлик билан пуллаб шиширмадик, балки биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизициялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган махсулот-

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

вазифаларидан бири мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган йирик иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ҳисобга олган ҳолда кредитлаш, молиялаш ишларини йўлга қўйиш ҳамда иқтисодийнинг асосий тармоқларида инвестиция фаолиятини кенг миқёсда амалга оширишдан иборат, — дейди "Turkiston bank" ХОАТИБ бошқаруви раиси Ш. Аббасов биз билан суҳбатда. — Банк ходимларининг ҳаракатлари, уларнинг куч-ғайрати юртида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга ошириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш ва халқ ҳўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид ҳўжумат қарорларининг изчил ижросини таъминлашга йўналтирилган.



Банк қўшниқлари

ИМКОНИАТЛАР ИСТИҚБОЛГА ЧОРЛАЙДИ

Ўсиб келаятган ёшларни бежиз ниҳонга қўйишмайди. Негаки, замин бағрига қадалган бир туپ ниҳол каби ёш авлодга ҳам меҳр, парвариш зарур. Шундагина, у теран илдиш олади, униб-ўсади. Истиқбол йилларида мамлакатимиз ёшларини ҳар жиҳатдан ётуқ инсон қилиб камол топтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам бугун бўй кўрсатмоқда.

Биргина санъат соҳасидаги ютуқларимизни салмоқлаб кўрайлик: нуфузли халқаро танловларда ўз маҳорати билан дунё аҳлини лол қолдираётган ўзбек фарзандларига боқиб гўрурланмай, фахрланмай бўладими?! Муҳими, бундай ноёб истеъдод эгалари бугун юртимизда жуда кўпчилиги ташкил этилган.

Мен ҳам Истиқбол бағрида, озода ва обод юртда камол топдим, ўқиб-ўргандим. Санъаткорлар оиласида вояга етганим босиб, болалигимданок санъатда меҳрим тушди. Қўшиқ қўйиладим, рақсга тушдим, катта сахнада қўйилган турли болалар томошаларида роллар ижро этдим. Аввало, ота-онам, кейин пойтахтимиздаги "Тантана" болалар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси хузуридаги иқтисодчи болалар академик лицейидаги устозларим йўл-йўриқ қўрсатишди, меҳр билан тарбиялашга, маҳоратимни оширишга кўмак бердишди. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат консерваториясида эстрада йўналиши бўйича тахсил оляганим. Очиғи, бугун тенгдошларимни қўриб фахрланаман. Чунки биз, ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очилди. Юртбошимиз-

нинг оталарча ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши натижасида ҳеч қимдан кам бўлмайд камол топганим. Жорий йилда "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилган танлов ниҳоятда юксак савия, кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унинг саралаш босқичларида 10 миңдан зиёд иштирокчи қатнашиб, кимдир Ватан ҳақида, кимдир эзгу туйғу-тушунчалар ҳақида, яна кимдир боқий қадриятларини таърифлади. Лўнда қилиб айтганда, мамлакатимиз ёшлари эзуликни тараннум этишди. Якунда 12 нафар иштирокчи давлатимизнинг юксак мукофоти тантанали равишда топширилди. Мен ҳам ушбу нуфузли танловда қатнашиб, совриндор ёшлар сафидан жой олганимдан бахтиёрман. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодийналарини арафасида ушбу ну-

Молия муассасаларида

Ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар 1 миллиард 291 млн. 581 миң сўмга ортган. Мазкур депозитлар бўйича омонатчиларга очилган ҳисоб рақамлари 1462 тага етди. Бугунги кунда мазкур молия муассасасида аҳоли бўш пул маблағларини банк-жабл этиш юзасидан диққатга сазовор ишлар олиб борилапти. Бунинг учун қўллаб-қувватловчи хизматлар жорий этилиб, аҳоли учун қўлай шартларда янги омонат турлари тақдим қилинапти. "Қомус", "Устоз", "Сармоя", "Коммунал бонус", "Бахтли бола-



Мажбуриятларини, у томонидан жалб қилинадиган маблағлар ҳажмининг оширишдан иборат. Шу маънода,

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

шўбу банк мажбуриятлари 16 млрд. 144,4 млн. сўмини ташкил этиб, унинг 14 млрд. 352,4 млн. сўми мижозлардан олинган депозитлар ҳисобланади. Банк томонидан барқарор ресурслар базасини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилётгани боис мuddатли депозитлар ҳажми мижозлардан жалб қилинган маблағларнинг 41,5 фоизини ташкил этади. Ҳозирги пайтда "Turkiston bank"нинг устав капитални 7 млрд. 259,3 млн. сўмини ташкил этади. Банкнинг биринчи даражали капитални ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига жавоб берадиган мезъорларга мос келади. Президентимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг охири-

Шу йилнинг 9 ойи якунига қўра, ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган кредитлар сони 67 та, унинг умумий қиймати 18 347,6 млн. сўмини ташкил этиди. Шундан кичик бизнес субъектларга тақдим этилган кредитлар ҳажми 18 224,6 млн. сўм — 99,3 фоиздир. Кредит портфели таркибиде асосий уйлу ҳўсусий фирмалар ҳиссасига тўғри келади ва у 96,3 фоизни ташкил этади. Маълумки, молия муассасаларида активларни кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири, бу банкнинг

лик", "Баркамол ёшлик", "Қишлоқ фаровонлиги", "Истиқбол" ҳамда "Тўхфа" сингарии омонат турлари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуқсиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкимизда иш ҳақи ва турли тўловларнинг ўз вақтида тўланиши бўйича мониторинг олиб борилмақда. Бундан ташқари, савдо билан шуғулланаётган яқна тартибдаги ҳўсусий тадбиркорларга нақд пул тушувлари миқдориде, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларга эса кредит айлантириш миқдориде ўз мuddатини ҳам таъкидлаш жоиз.

ушбу банк мажбуриятлари 16 млрд. 144,4 млн. сўмини ташкил этиб, унинг 14 млрд. 352,4 млн. сўми мижозлардан олинган депозитлар ҳисобланади. Банк томонидан барқарор ресурслар базасини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилётгани боис мuddатли депозитлар ҳажми мижозлардан жалб қилинган маблағларнинг 41,5 фоизини ташкил этади. Ҳозирги пайтда "Turkiston bank"нинг устав капитални 7 млрд. 259,3 млн. сўмини ташкил этади. Банкнинг биринчи даражали капитални ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига жавоб берадиган мезъорларга мос келади. Президентимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг охири-

"Turkiston bank" ХОАТИБ ходимлари замонавий хизмат — ютуқлар гарови эканини яқши англаган ҳолда, бундан кейин ҳам самарали фаолият олиб боришни мақсад қилганлар.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти

2010 — 2011 ўқув йили учун аспирантура ва докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- Аспирантура
05.01.01 — Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси — 1 ўрин.
05.20.01 — Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш технологиялари — 2 ўрин.
05.20.02 — Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш — 1 ўрин.
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши — 1 ўрин.
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.
06.01.02 — Мелиорация ва сўғорма деҳқончилик — 3 ўрин.
08.00.04 — Агросоанат мажмуи иқтисодиёти — 3 ўрин.
11.00.11 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — 1 ўрин.
13.00.08 — Хунар таълими назарияси ва услубиёти — 1 ўрин.
Докторантура
05.20.01 — Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш технологиялари — 1 ўрин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, аспирантура ва докторантура бўлими. Телефонлар: (8-371) 237-09-46, 237-19-61.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Гулнора Турсунова онаси Надежда ИКРОМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси доценти Вазифасини бажарувчи Эшмухаммад Қодиров отаси Омонтурди ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Истиқлол туфайли юртимизнинг барча масканларида бўлгани каби пойтахтимиз Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, хиббон ва сайилгоҳларига ҳам мухташам фавворалар ўрнатилди. Уларни томоша қилар эканмиз, битмас-туганмас завку шавқ олишимиз табиий. Хусусан, пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик драма театри hovlisidaги фаввора истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллик тантаналари арафасида янгича кўринишга эга бўлди.

БЕНАЗИР ЮРТНИНГ БЕҚИЁС МАНЗАРАЛАРИ

Илгари бу ердан сув фақат бир маромда сачраган бўлса, айни пайтда "Муҳаббат фаввораси" деб ном олган ушбу манзил чет эллардаги машҳур "Уйновчи фавворалар"дан қолишмайди. Йўлингиз тушиб, шу томондан ўтиб қолсангиз, шинам ўриндиқларда ўтириб, сўхбатлашаётган ёшлар, сув ёнида шодон кўйқираётган болажонлар, бахт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар, Ўзбекистонимизга ташриф буюрган сайёҳларга кўзингиз тушади. Уларнинг ҳавас ва ҳайратлар ила юртимиздаги ўзгариш ва янгиликлар борасида фикр-мулоҳаза юритишлари эса қалбда ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди.

малайзиялик Имона Ойну деб таништирган аёл. — Бу табаррук замин ҳақида болалигимдан кўп эшитганман. Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби қадимий воҳалар, у ерда туғилиб, дунёга доврўк сулган алломалар жасорати хусусида китоблар орқали танишганман. Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, дейишлари бежиз эмас экан. Мана келдим, кўрдим, завқ олдим. Самарқандда бўлиб Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (меҳмон машҳур муҳаддиси номини тўлиқ айтиди!) қадамжосини, Амир Темури макбарасини, Шоҳи Зинда ансамблини зиёрат қилдим. Айтмоқчиманки, Ўзбекистонга илк маротаба келган бўлсам-да, таассуротларим бир олам. Бу ерда

нафақат тарихий жойлар алоҳида эътиборда, шунингдек, замонавий иншоотлар куриш, муазам хиббонлар барпо этишга ҳам эришилаётгани ибратлидир. Айниқса, Тошкентга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Ушбу фаввора ёнида ўтириб, теран мумтоз мусикаларни тинглагач, чарчокларим бир зумда тарқалиб, кайфиятим кўтарилди. Ўзбекистон жаннатмонанд юрт, деганларича бор экан. Шундай ажайиб мамлакатни келиб кўранмига шукроналар айтаман...

Дарҳақиқат, бетакор Ватанимиз — Ўзбекистонга ташриф буюраётган турли элат ва миллатдаги мана суб меҳмонлар нафақат дёғримиздаги ўзгариш ва янгиликлар, шу билан бирга, халқимизнинг самимийлигию меҳмондўстлиги, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётган истиқлол фарзандлари учун яратиб берилган беқийёс шароитларни кўриб тасаннолар айтади, қойил қолади.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганмиш. Ўзгал юртлар кўп, аммо тан олашимиз, Ўзбекистон бошқача, — дея дилидагини изҳор қилади хиндистонлик меҳмонлардан бири Сани Рашид. — Дехлидаги марказий коллежда мусикадан сабоқ бераман. Самарқанд, Бухорога бориб турли мусикаларни эшитиб ҳайратландим. Мен-да, айниқса, Самарқанд шаҳридаги Абдулазиз Абдурашулов номидаги санъат коллежи ўзгача таассурот қолдирди. У ердаги

халқи учун тушунарли ва кадрлидир". Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон ёшлари санъатнинг барча турларида катта қизиқиш билан қарар экан. Мен ушбу фаввора ёнига келганимдан бери соатдан ошди. Келганимдан бери анави болани кузатаёلمан. Бир фавворага қарайди, бир қўлидаги қоғозга нима-наниди коралайди. Қизиқиш устун келиб, экинроқ борсам, фавворани чиқартирган экан. Меҳмон шундай дея бизга фавворага қўйилган илгирчи ва унинг ёнида ўтирган одамни кўрсатди. Улар билан ҳам сўхбатлашдик. — Фарзандларим кунда-кунора "Фавворага олиб бориңг" деб илтимос қилишади, — дейди ўзини Руфат Набиев деб таниш-

МУЗЕЙ — МОЗИЙ КИТОБИ

Марказий Осиёда ягона Термиз Археология музейи ноёб экспонатлари ва бу ерда олиб борилаётган тадқиқотларнинг жозибдорлиги билан кенг жамоатчилик эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Музей очилганидан буйн (2002 йил) унинг экспонатлари сони қарийб 58 мингга етди.

Ифтихор

Шу давр веб-сайтида музейнинг веб-сайти янгилади. Сўнгги маълумотлар билан бойитилди. Россия, Италия, Исроил каби бир қатор давлатлар экспертлари ва санъат илҳомчилари музей мутахассисларининг у ёки бу тарихий ашё ҳақидаги фикрлари билан қизиқмоқдалар. Даргоҳнинг электрон почтасига жаҳон сайёҳлик агентликларидан тушаётган хатларнинг кети узилмайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Яқинда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Марказий Осиёда археологик тадқиқотлар" мавзусидаги илмий-амалий кўргазма музей фаолиятига янги саҳифа бўлиб қўшилди, десак муболага эмас. Кўргазмада Бойсундаги Кўргонзол топилмалари ҳақида маъруза қилган таниқли немис археологика Николаус Борофканинг айтишича, бу ердаги айрим ашёлар милоддан олдинги IV асрга тегишли бўлиб, металлни қайта ишлаш даврига ўтилганлиги ҳақида тасаввур беради. Кўргонзолдан ўша даврга мансуб сопол ванна топилгани ҳам диққатга сазовор. Археолог Шопўлат Шайдуллаевнинг Сурхон тупроғида Скиф кўргонларида монанд кўргонлар кашф этилаётгани ҳақидаги ахбороти мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Олимпик УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Мамлакатимизда спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиб, тендошларига ўртак бўлаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Навоий шаҳридаги спорт коллежининг биринчи босқич ўқувчиси Фарход Бобомуродов ҳам ана шундай иқтидор соҳибларидан саналади.

ЁШ ИСТЕЪДОДНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Фарход яқинда Россиянинг Анапа шаҳрида бокс бўйича ташкил этилган йирик халқаро турнирда навбатдаги ғалабага эришди. Нуфузли мусобақада 49 килограмм вази тоифасида қатнашган боксчимиз аниқ зарбалари ва рингда тезкор фикрлай олишини намойиш этиб, мутахассислар эътиборини қозонди.

— Халқаро турнирда дунёнинг ўн бешдан ортиқ мамлакатидан келган спортчилар медаллар учун кураш олиб борди, — дейди Ф. Бобомуродов. — Мураббийларим ёрдамида беллашувга яхши тайёргарлик кўрганлигим боис, олтин медални қўлга киритдим. Келажақда қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз давримини дунёга таратишни мақсад қилиб кўйганман.

Дарвоқе, Ф. Бобомуродов 2009 — 2010 йилларда ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида голиб чиқиб, спорт устаси талабини бажарган эди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек полвонларининг ғалабаси

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида андижонлик Азизбек Комилов олтин медални қўлга киритди.

Асака кураш мактаби тарбияланувчиси 100 килограммга бўлган вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди. Андижон вилоятининг яна

бир вакили Оятеб Ҳакимов (+100 кг.) эса бу сафар кумуш медал билан қийфоланди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМУНАЛИ ШИФО МАСКАНИ

Бухорода "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Энг яхши кишлоқ врачлик пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Тадбирда танловнинг кўйи босқичида голиб чиққан 11 КВП фаолиятига баҳо берилди. Она ва бола саломатлиги муҳофазаси, аҳолига табиий хизмат кўрсатиш сифати каби мезонлар бўйича Вобкент туманидаги "Хожувон" кишлоқ врачлик пункти биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Ушбу маскан мудираси Мунаввар Бердиева "Энг яхши амалиёт врач", Ромитан туманидаги "Тарнаут" КВП ҳамшираси Моҳидил Умидова "Энг яхши патронаж" йўналишида голиб чиқди.

Эндиликда улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун илм-фан жадал тараққий топмоқда. Буни сўнгги пайтларда астрономия соҳасида қатор кашфиётларнинг амалга оширилиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда АҚШдаги бир гуруҳ астрономлар янги сайёрани кашф қилдилар. Кейин ушбу топилма кўп жиҳатлари билан Ерга ўхшаб кетишни маълум бўлди. Хуллас, олимларнинг ўн бир йиллик изланишлари ўзининг дастлабки мевасини бергани ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўплаб хабарлар тарқатилди. Кимдир ҳайратда қолди, бошқа биров буни эшитиб, қулоқларига ишонмади.

ЕРГА ЎХШАЙДИГАН САЙЁРА.

Ҳақиқатан ҳам, кўнча само бағрида нур сочиб турган жисм "Ердан бошқа жойда ҳам ҳаёт борми?" деган саволга қайсидир маънода жавоб бўлиши мумкин. У она-сайёрамиздан 20 ёруглик йили (миллиардлаб километрга тенг) узоқликда жойлашган. Космик нуқтаи назардан бу унча узоқ масофа эмас, аммо амалда унга етиб бориш учун 23 минг йил вақт, яъни кўплаб авлодларнинг умри кетар экан. Шунга қарамай, бу борадаги қизиқиш борган сари кучаймоқда. Сабаби, ўша сайёрадаги шароитлар Ергагага ўхшаб кетади.

Гавайя оролларидаги расадхонага ўрнатилган дунёдаги энг улкан "Кек-1" телескопи ана шундай кашфиётни рўйбга чиқариш имконини берди. Аниқроғи, замонавий ускуна ёрдамида Тарози буржи таркибида юзаси каттик қатламга эга сайёра борлиги аниқланди. У "581G" дея номланди.

Бу ҳақда илм-фан олами-

да шундай гаплар пайдо бўлди: "Сўнгги йилларда олимларга бу қадар омад қулиб бормаган. Марсда ҳаёт бор-йўқлиги ҳақида бош қотирилаётган бир пайтда, бундай янгиликнинг юзага чиқиши, чиндан-да, оламшумул ва қутилмаган воқеа бўлди".

— Унинг юзасидаги харорат Ерники билан деярли бир хил, фақат салгина совуқроқ, — дейди мутахассислардан бири Владимир Сурдин. — Яъни Цельсий бўйича -31 дан -12 даражагача.

Вазни эса сайёраимизникидан уч марта оғирроқдир. Мутахассисларнинг таҳминига қўра, самовий жисм юзасининг асосий қисми қоялардан ёки музликлардан иборат. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам у ерда обихаёт, демаски, атмосфера бўлиш эҳтимоли мавжуд.

— Ҳозир "581G"нинг таркибини тўлиқ ўрганиш устидан иш олиб борилаётганда, — дейди Калифорния универ-

ситети профессори Стивен Ворт. — У ерда кислород борлиги ҳаёт манзараларидан дарак беради. Фақатгина буни илмий-амалий жиҳатдан исботлаш керак.

Яна шунки қўшимча қилиш ўринлики, у тарафлардаги тортишиш кучи биздан кўра уч марта каттароқ.

— Умуман олганда, бошқа сайёралардаги тирикчиликни у тарафларда онгли мавжудотлар борлиги билангина ифодалаш нотўғри, — дея фикрида давом этади П. Батлер.

— Агар Ердан бошқа худудларда бир ҳудудлари бактерия ёки пўпанак учраса, шунинг ўзиёқ илм-фан учун ноёб янгиликлардан бирига айланади.

Лўнда қилиб айтганда, илм-фаннинг тараққийи бошқа соҳалар қатори астрономияда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу эса кинотнинг қоронғи нуқталарини тафаккур нури билан ёритишга замин яратаётир.



Саиджон МАХСУМОВ.

«Ўзбекэнерго» ДАК

Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар бошқармасида ишлаш учун

мутахассисларни таклиф этади.

- номзодларга қўйилган асосий талаблар: олиқ иқтисодий ёки молиявий маълумотга эга; иқтисодий қонунчиликни ва халқаро молиявий институтларнинг асосий талабларини билиш; тендер савдоларини ўтказиш қоидаларини билиш; ташқи иқтисодий фаолият ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш соҳасида иш таҷрибасига эга бўлиш.

Чет тилларини билиш — мақсадга мувофиқ.

Иш ҳақи — 500 000 сўмдан бошлаб.

Номзодлар резюмеларини қуйидаги электрон манзилга юборишлари мумкин: sjbc@uzrak.uz

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй. Мулоқат — Марказий офисларнинг 3-қоғна қабати. Боғланиш телефонлари: (8-371) 233-95-26, 233-56-18, 236-74-18.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!
«Ипотека-банк» АТИБ
Тошкент вилояти филиали
Амалиёт бошқармаси
Тошкент вилояти, Бўка тумани маркази, Ўзбекистон кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони — **1486,39 кв.м.**, фойдаланиш майдони — **917 кв.м.** бўлган **бино ва иншоот соғувга қўйилганлигини маълум қилади.**
Бино 2 қаватдан иборат бўлиб, 1-қавати 4 та савдо дўконидан, 2-қавати тўйхона мажмуасидан ташкил топган.
Мазкур бино ва иншоотнинг бошланғич баҳоси — 100 000 000 (юз миллион) сўм.
Аукцион савдоси Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиалида 2010 йил 11 ноябрда бўлиб ўтади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза қабул қилиш «Камонди» савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.
Банк: (+99897) 402-12-09, биржа: (8-371) 249-54-59, 150-46-88, 150-46-73, 249-53-61.

ОБ-ҲАВО
(6 ноябрь)
Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 1-6 даража илқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6 даража илқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-3 даража илқ, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 161,7 ▲ +13,4 ЦЕМЕНТ (пц400) 147,9 ▲ +3,7 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -1029,4 ШИФЕР (1 лист) 14528 ▼ -301 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Ташҳиринта келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳҳиринт жаоблар эмас.
Газета таҳҳиринт компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t-Тижорат материал
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орниов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўғасев. Навбатчи — М. Охуюнова. Мусахҳах — С. Исломов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 22.15 12 45